

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(“Маҳаллабай” ишлаш дастури мисолида)

Қорақалпогистон Республикаси ИИВ ЖХХХПБ

ўринбосари ХП фаолиятини ташкил этиши

бўлими бошлиги, майор

Жумамуратов Саламат Жумабай улы

Аннотация: ушибу мақолада ички ишлар органларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун моҳияти ва жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга бўлиб, ватанимиз, фуқаролар дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осоийишталикнинг ҳуқуқий асосларини яратиш йўлида муҳим натижалар баён қилинган.

Калим сўзлар: “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифалар, “Маҳаллабай”, “Оиласбай”, “Фуқаробай”, жамоат тартиби, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Аннотация: в данной статье содержание реформ, проводимых в органах внутренних дел, вопросы поддержания общественного порядка и безопасности имеют приоритетное значение, а также описаны важные результаты в целях обеспечения неприкосновенности нашей Родины и граждан, а также создать правовые основы мира и спокойствия.

Ключевые слова: «красная», «желтая» и «зеленая» категории, «Махаллабай», «Оиласбай», «Фуқаробай», общественный порядок, профилактика преступности.

Abstract: in this article, the content of the reforms carried out in internal affairs bodies and the issue of maintaining public order and security are of priority importance, and important results are described in order to ensure the inviolability

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

of our homeland and citizens, and to create the legal foundations of peace and tranquility.

Key words: "red", "yellow" and "green" categories, "Mahallabay", "Oilabay", "Fuqarobay", public order, crime prevention.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги тарихий ислоҳотлар, аввало, инсон қадри, халқ манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳаракатлари одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, халқимизни ҳар томонлама рози қилишга қаратилган. Барча соҳалар қатори халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга бўлиб, ватанимиз, фуқаролар дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталиктининг ҳуқуқий асосларини яратиш йўлида муҳим натижаларга эришиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан “Маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу эса “Маҳаллабай” ишлаш тизими니 республиканинг барча ҳудудларида бир хил ва самарали ташкил этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу борада 2021 йил 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигига ўтказилган Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва жиноятларни жиловлаш бўйича “Маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этишга ҳам алоҳида ургу берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 мартағи 152-сонли “МАҲАЛЛАБАЙ” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташабbusларини янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Ҳуқуқбузарликлар

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этишнинг аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларни аниқлаш ҳамда тезкор-профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради; иккинчидан, маҳалла аҳолисининг ижтимоий ва психологик портрети яратилади; учинчидан, маҳалланинг ижтимоий инфратузилмаси ҳамда мавжуд муаммолар вилоят, туман (шаҳар) миқёсида эмас, балки маҳаллалар кесими бўйича аниқланади ва уларнинг ечимлари бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилади; тўртинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликлар профилактикасини маҳаллаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш ва мувофиклаштиришга ёрдам беради; бешинчидан, куч ва воситаларни тўғри тақсимланишига эришилиб, хукуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятига объектив баҳо берилади; олтинчидан, маҳалланинг географик жойлашуви, аҳолининг турмуш тарзи, урф-одати, қадриятлари ва менталитети каби жиҳатларига таяниб таъсирchan профилактик чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади еттинчидан, ўзига хос маҳаллий ва оиласий қадриятларни шакллантириш имконини беради; саккизинчидан, маҳаллада ижтимоий соҳанинг амалдаги ҳолати ва уларни ривожлантириш кўрсаткичларига баҳо берилади; тўққизинчидан, иқтисодиёт, жумладан тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш кўрсаткичлари ҳамда мавжуд резервлар аниқланади; ўнинчидан, маҳалланинг ихтисослашуви ва ривожлантириш драйверлари аникланиб, улардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона кўмитасининг “Электрон жиноийхукукий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2018 йил 30 декабрдаги қарорига асосан маҳалла худудида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар статистикаси прокуратура органлари томонидан ҳар ой якуни бўйича маҳаллабай таҳлил қилиб борилади.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Маҳаллаларни “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратиш баллик тизим асосида амалга оширилади. Унда ҳар битта жиноятга, маъмурий ҳуқуқбузарликка, ҳуқуқбузар ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга муайян жарима бали берилиб, жарима баллари ҳар ой куни бўйича умумлаштирилади ва якуний натижага кўра тўпланган жарима бали 5 баллдан ошса сариқ, 20 баллдан ошса қизил тоифали маҳалла сифатида белгиланади. Тўпланган жарима бали 5 баллдан ошмаган маҳалла яшил тоифадаги маҳалла сифатида қаралади. Маҳаллалар тоифалари қуидагича белгиланади: 5 баллдан кам жарима балига эга маҳаллалар “Яшил” тоифадаги маҳалла; 5-20 балл жарима балига эга маҳаллалар “Сариқ” тоифадаги маҳалла; 20 баллдан кўп жарима балига эга маҳаллалар “Қизил” тоифадаги маҳалла сифатида қаралади. Маҳаллаларни “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратишнинг мезонлари ва жарима баллари кўрсаткичларига туман-шаҳар сектор бошлиғи ёки сектор бошқарув офиси томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. “Қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратилган маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни жиловлаш бўйича ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар. Маҳаллада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни жиловлаш бўйича профилактик ишлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Баш прокуратураси, Миллий гвардияси, Маҳалла ва оиласи кўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат солик кўмитаси ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари томонидан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилади ва амалга оширилади. “Қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифадаги маҳаллаларнинг рўйхатлари жиноий-хукукий статистика бўлинмалари ҳамда туман-шаҳар ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан юборилган ҳисобот шаклларига асосан шакллантирилади.

Ҳар чоракда ички ишлар органлари томонидан ушбу маҳаллаларнинг кўрсаткичлари умумлаштириб борилади ҳамда вилоят сектор раҳбарларининг кўшма карори асосида туман (шаҳар) сектор раҳбарлари,

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

хуқук-тартибот идораларининг бошликлари ва уларнинг ўринбосарлари жиноятларнинг олдини олиш ва ишни тўғри ташкил этиш бўйича ушбу маҳаллаларга шахсан биректирилади.

Маъмурий худудларда уйма-уй юриш орқали манзилли ишларнинг олиб борилиши натижасида маҳаллаларни ҳар томонлама ўрганиш, айниқса муаммоли ва нотинч, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилаларни ҳамда ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни аниқлаб уларни ижтимоий ҳаётнинг фаол ва намунали кишиларига айлантириш имконини беради.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда жиноятчиликни барвақт аниқлаш ва уни келтириб чиқарадиган омилларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган бир қатор манзилли дастурлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Маҳаллабай”, “Оилабай”, “Фуқаробай” ишларни тизимининг яратилганлиги мамлакатимиздаги барча маҳалла ва оилаларни ҳамда улардаги мавжуд муаммоларни ўрганиб уларнинг ечими бўйича аниқ манзилга йўналтирилган ишларни амалга оширишни белгилаб бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);
2. <http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);
3. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);
<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);
4. <http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик университети);
<http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи);
5. <http://www.ziyonet.uz> (Ахборот таълим тармоғи)